

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АРИПОВ ОЙБЕК АБДУЛЛАЕВИЧ

КИЧИК БИЗНЕСНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ
ВА ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

08.00.15 - Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Арипов Ойбек Абдуллаевич

Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва
ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш..... 3

Арипов Ойбек Абдуллаевич

Государственное регулирование малого бизнеса и развитие деловой
среды 35

Aripov Oybek Abdullayevich

State regulation of small business and development of the business
environment..... 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 69

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АРИПОВ ОЙБЕК АБДУЛЛАЕВИЧ

КИЧИК БИЗНЕСНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ТАРТИБГА СОЛИШ
ВА ИШБИЛАРМОНЛИК МУҲИТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

08.00.15-Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти

Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент шаҳри – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.DSc/Iqt118 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsue.uz) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Абдувахидов Абдумалик Маҳкамович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ахмеджанов Каримжон Бакиджанович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Абдуллаев Ёрқин Абдуллаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Умаров Илхомжон Юлдашевич
иқтисодиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000 Тошкент шаҳри, И.Каримов кўчаси, 49-уй, Тел.: +99871-239-28-71, факс: +99871-239-43-51, e-mail: tsue@tsue.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, И.Каримов кўчаси, 49-уй, Тел.: +99871-239-28-71, факс: +99871-239-43-51, e-mail: tsue@tsue.uz

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ куни тарқатилди.

(2020 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Н.Х.Жумаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., профессор

У.В.Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, и.ф.д., профессор

Ш.Ж.Эргашходжаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д.,
профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон иқтисодиётидаги глобаллашув жараёнлари натижасида юзага келаётган иқтисодий-ижтимоий беқарорликнинг салбий таъсири кичик бизнес ҳамда ишбилармонлик муҳити самарали ривожланган мамлакатларда нисбатан кучсиз бўлмоқда. Айниқса, кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш жараёнлари энг илғор тажрибаларга асосланган АКШ, Германия, Япония, Буюк Британия, Швейцария, Канада, Норвегия, Нидерландия, Гонконг, Бирлашган Араб Амирликлари ва бошқа бир қатор давлатларда бу борада ижобий ҳолатлар кузатилган¹. Шунингдек, «жаҳон тажрибасида кичик бизнес давлатнинг кўмагисиз жуда секин ривожланаётганлиги ҳам барчага маълум»². Шундай экан, жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини қулайлаштириш, тадбиркорларга яхши шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг замонавий усул ва воситаларини жорий этиш, мазкур жараёнларнинг самарадорлигини оширишда рақамли иқтисодиёт имкониятларидан самарали фойдаланиш, кичик бизнеснинг инновацион ғоялар ва технологияларни амалиётга жорий этиш, янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасидаги имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, ишбилармонлик муҳитини кучайтиришда турли инфратузилма хизматларини йўлга қўйишнинг ташкилий-иқтисодий масалаларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистоннинг кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишга эътиборнинг кучайтирилиши ҳамда бизнес юритиш шарт-шароитларининг тубдан яхшиланиши натижасида бизнес юритиш ҳамда ишбилармонлик муҳити бўйича халқаро рейтинглардаги ўрни яхшиланиб бормоқда. «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида мамлакат рейтингини янада яхшилаш бўйича «Йўл харитаси» тасдиқланиб, унга кўра республиканинг мазкур рейтингда 20-ўринга эришишини назарда тутувчи «Бизнес юритишни яхшилаш – 2022» мақсадли кўрсаткичлари ишлаб чиқилди. Кейинги йилларда иқтисодиёт соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастурий ва мақсадли вазифалар қаторида «...бизнес муҳитини янада яхшилаш биз учун энг муҳим масалалардан бўлиб қолади»³. Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини мувофиқ тарзда ривожлантиришнинг зарурияти уни рағбатлантиришда мослашувчан ва таъсирчан сиёсат юритишни тақозо этмоқда. Бизнес субъектларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари, уларнинг иқтисодий фаолиятларида юзага келаётган муаммолар,

¹ https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/32436/9781464814402_Ch06.pdf; Калинин А.В. Анализ развития и состояние малого и среднего бизнеса в мире // Экономика, предпринимательство и право. – 2011. – № 4. – С.3-12. – <http://epp.enjournal.net/article/313/>; Арипов О.А. Хорижий мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши. – Т.: «Наманган» нашриёти, 2018. – 213 б.; Роль субъектов малого и среднего бизнеса предпринимательства в экономиках развитых стран. - <https://cyberleninka.ru/article/n/>.

² Ильин И.Е. Малый бизнес в России: проблемы и перспективы // Банковское кредитование. – 2008. – № 2. С.153–156.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи. 2020 йил 25 январь.

ишбилармонлик муҳитининг ишлаши билан аҳоли истеъмолининг янгилашиб бориши ва чексизлиги ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масалалари долзарблик касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги ПФ-6003-сон «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида», 2019 йил 7 мартдаги ПФ-5687-сон «Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида», 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти република фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш масалалари бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Heritage Foundation, Business Environment Risk Intelligence (BERI), Regional Economic Development Institute (REDI), World Economic Forum, The University of Oxford, Harvard University, Montpellier Business School (Франция) United Nations Conference on Trade and Development (UNCTAD) (Швейцария), Transparency International (Германия), Control Risks Group (Сингапур), University of Cape Town (ЖАР)⁴, НАФИ – кўп тармоқли таҳлил маркази (Россия), Жаҳон банки таркибидаги «Doing Business» тадқиқот гуруҳи, Лондон Бизнес Мактаби (Буюк Британия)⁵, Прогнозлаш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти (Ўзбекистон Республикаси) томонидан амалга оширилмоқда.

Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш бўйича жаҳонда амалга оширилган илмий-

⁴ Кейптаун университети таркибидаги Жанубий Африка ва глобал тадбиркорлик тадқиқот маркази.

⁵ Global Entrepreneurship Research Association (GERA) – Глобал тадбиркорлик тадқиқотлари ассоциацияси.

тадқиқотларда қатор, жумладан қуйидаги илмий натижалар олинган: кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини оширишда «глобал ишлаб чиқариш занжирлари» (GPCs) шаклидаги ишлаб чиқариш ва бошқарув усуллари асосланган (Peterson Institute for International Economics, АҚШ); кичик бизнесда корпоратив ижтимоий масъулиятни тартибга солиш ва инвестицион жозибadorликка таъсирини ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган (Montpellier Business School, Франция); кичик бизнесни инновацион самарадорлигини ошириш бўйича давлат назорати ва рағбатининг самарали воситалари (кичик бизнесни миллий инновация тизимига уйғунлашуви ва б.) асосланган (World Intellectual Property Organization, Швецария); кичик бизнес соҳасида иш юритишни фрилансинг шаклида ташкил этишнинг самарали усуллари асосланган (SMRJ, Япония); олий таълим муассасаларида инновацион бизнес кўникмаларини ривожлантиришда бизнес-инкубаторлар тизимидан фойдаланиш асосланган (IfM, Германия); тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнининг оптимал муддатини белгилаш, уни самарали амалга оширилишини таъминловчи махсус инфратузилма хизматлари фаолиятини ривожлантириш орқали давлат томонидан тартибга солишнинг услубий ёндашуви такомиллаштирилган; ишбилармонлик муҳитининг ривожланганлик даражасини баҳолаш услубиёти Жаҳон банкининг Doing Business рейтинг кўрсаткичларига мувофиқлигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган (Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Ўзбекистон).

Жаҳонда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: кичик бизнесдан инновацион иқтисодиётни шакллантириш ва рақобатбардошликни таъминлаш омили сифатида фойдаланиш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг концептуал асосларини очиқ бериш; кичик бизнес ва тадбиркорлик учун хизмат кўрсатувчи инфратузилмани даражасини рақамлаштиришни эътиборга олган ҳолда комплекс баҳолаш; ишбилармонлик муҳитини рақамли иқтисодиёт элементлари фаолиятини кенгайтириш асосида такомиллаштириш; кичик бизнес субъектлари фаолиятини прогнозлаш; кичик бизнес ходимларини касбий ва қайта тайёрлашни бизнес-таълим тизимини кенгайтириш орқали такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришнинг илмий-методологик жиҳатлари буюк иқтисодчилар томонидан ўрганилган. Булар қаторида А.Смит, Й.Шумпетер, Ж.М.Кейнс, Р.Хизрич, М.Питерс, Ф.Котлер, П.А.Самуэльсон, В.Д.Нордхаус каби олимларнинг номларини келтириш мумкин. Шунингдек, Н.Е.Симионова, А.О.Блинов, М.М.Максимцев, В.Я.Горфинкель, В.А.Швандар, Е.М.Купряков, В.С.Катькало,

А.Ю.Панибратов, А.Н.Дятлов, Н.В.Василенко⁶ каби россиялик иқтисодчиларнинг илмий асарларида тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини тадқиқ этишга доир у ёки бу даражадаги мулоҳазалар ўз аксини топган. Шу билан бирга, айнан ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш ва унинг назарий жиҳатдан ёритишга доир ёндашувларни асосан хорижлик иқтисодчилар⁷ асарларидан ўрганиш мумкин.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва тадбиркорликнинг умумий жиҳатларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича С.С.Ғуломов, Ё.А.Абдуллаев, М.Р.Болтабаев, М.С.Қосимова, Ш.Ж.Эргашходжаева, Б.К.Ғойибназаров, А.Н.Самадов, А.А.Хаджимуратов кабиларнинг ишларини қайд этиш мумкин. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаш масалалари Б.Ю.Ходиев, С.К.Салаев⁸ ва Б.Т.Салимовларнинг тадқиқотларида келтирилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар

⁶ Қаранг: Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Эксмо, 2016, – 1056 с.; Шумпетер Й. Теория экономического развития. – М.: “Мысль”, 1982, С. 159.; Кейнс Дж. М. Общая теория занятости, процента и денег. Избранное. – М.: Эксмо, 2007. С. 166–169 и 370.; Хизрич Р., Питерс М. Предпринимательство. – М.: 1991. – 220 с.; Котлер Ф. Основы маркетинга. Краткий курс. / Пер. с англ. – М.: Издательский дом «Вильямс», 2007. – 656 с. ил – Парал. тит. англ.; Пол А. Самуэльсон, Вильям Д. Нордхаус. Экономика: Пер с англ. – М.: «Лаборатория Базовых Знаний», 2000. – 800 с.: ил.; Симионова Н. Е. Понятие бизнес-среды предприятия. <http://www.involveman.ru/kars-572-1.html> // involveman: привлечение менеджмента. (Электронный ресурс); Блинов А. О. Малое предпринимательство. Организационные и правовые основы деятельности. – 2-е изд. – М.: «Ось-89», 1998. – 336 с.; Менеджмент малого бизнеса: Учебник/ Под ред. проф. М.М.Максимцева и проф. В.Я.Горфинкеля. – М.: Вузовский учебник, 2007. – 269 с.; Курс предпринимательства: Учебник для вузов. / В.Я.Горфинкель, В.А.Швандар, Е.М.Купряков и др.; – М.: Финансы, ЮНИТИ, 1997. – 439 с.; Малый бизнес: Организация, экономика, управление: учеб. пособие/ под ред. В.Я.Горфинкеля, В.А.Швандара. – 3-е изд., переработ. И доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 495 с.; Катяло В.С., Панибратов А.Ю. Основы бизнеса: Учебник. – СПб.: Издат. дом С.-Претерб. гос. ун-та, 2006. – 290 с.; Дятлов А.Н. Общий менеджмент: концепции и комментарии: Учебник. / А. Н. Дятлов, М. В. Плотников, И. А. Мutowин. – М.: Альпина Бизнес Букс, 2007. – 400 с.; Василенко Н.В. Институциональная среда организаций: характеристики и уровни регулирования. URL: <http://www.vivakadry.com/20.htm> (дата обращения: 20.06.2018).

⁷ Қаранг: Bruno A.V., & Tyebjee T.T.. The environment for entrepreneurship in C.A. Kent, D.L. Sexton, & K.H.Vesper (Eds.), *Encyclopedia of entrepreneurship*, Englewood Cliffs, NJ. Prentice Hall. 1982. pp. 288-307.; Dana L.P. Entrepreneurship and venture creation-An international comparison of five commonwealth nations. In N. C. Churchill, J. A. Hornaday, V. A. Kirchoff, O.J. Krasner, & K. H. Vesper (Eds.), *Frontiers of entrepreneurship research*, Wellesley, MA: Babson College. 1987. pp. 573-583.; Staley E., & Morse, R. Developing entrepreneurship: Elements for a program. In P. Kilby (Ed.), *Entrepreneurship and economic development*, New York: Free Press. 1971. pp. 357-384.; Garther W.B. (1985). A conceptual framework for describing the phenomenon of new venture creation. *Academy of Management Review*, 10 (A), pp. 696-706.; Goodman J.P., Meany J.W., & Pate L.E.. The government as entrepreneur. Industrial development and the creation of new ventures. In D.L. Sexton & J.D. Kasarda (Eds.), *The state of the art on entrepreneurship*. Boston. PWS-Kent. 1992.; Gilauri N. Practical Economics: Economic Transformation and Government Reform in Georgia 2004–2012. Palgrave Macmillan. – 213 p. // DOI 10.1007/978-3-319-45769-7; Manning K., Birley S., & Norburn D. (1989). Developing new ventures strategy *Entrepreneurship Theory and Practice*, 14 (1), pp. 69-76.; Mokry B.W. *Entrepreneurship and public policy. Can government stimulate start ups?* New York. Quorum Books. 1988.

⁸ Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. – Т.: “Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. 2002. – 365 б.; Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. 100 савол ва 100 жавоб (1-кисм), Т.- “Меҳнат”, 2000. – 347 б.; Болтабаев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Ғойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Отажонов Ш.И. Кичик бизнес ва тадбиркорлик: Ўқув қўлланма. –Т.: Иқтисодиёт, 2012. – 274 б.; Хаджимуратов А.А. Предпринимательство: Сущность и основные компоненты. –СПб.: Изд. Санкт-Петербургского Университета Экономики и финансов. 1995. – 73 б.; Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш: иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ТДИУ 2008. – 49 б.

Х.П.Абулқосимов, И.А.Бакиева, Қ.Муфтайдиновларнинг⁹ тадқиқот ишларида ўрганилган.

Шунингдек, У.В.Ғафуров¹⁰ диссертациясида кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш йўллари баён этилган. Ш.И.Мустафақулов¹¹ томонидан ишбилармонлик муҳитини яхшилашда инвестиция жозибадорлигини оширишга доир масалалар тадқиқ этилган.

Шунга қарамай бугунги глобаллашув жараёнларида кичик бизнесни ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларини ҳисобга олиш, уни давлат томонидан тартибга солиш ва ривожлантириш йўналишларини аниқлаш, шунингдек, кичик бизнесни ривожда ишбилармонлик муҳитини қулайлаштиришга йўналтирилган масалалар ҳали тўлиқ ўрганилмаган бўлиб, ушбу мавзу доирасида тадқиқот олиб бориш долзарблиги намоён бўлди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Наманган давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ Ф1. «Жамиятни ривожланиши, давлат ва ҳуқуқ назарияси, иқтисодиёт рақобатбардошлиги» мавзусидаги (2017-2020 йй.) фундаментал ва «Фарғона водийсида ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг концептуал асосларини очиб бериш;

ишбилармонлик муҳити ривожининг назарий асослари, иқтисодий моҳиятини очиб бериш ва таркибий элементларини таснифлаш;

кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишда ишбилармонлик муҳитига таъсир этувчи асосий омилларни илмий изоҳлаш;

саноати ривожланган мамлакатларда кичик бизнесни ривожлантиришнинг замонавий услубларини ёритиш;

жаҳонда ишбилармонлик муҳитининг шаклланиши ва уни баҳолашнинг замонавий тизимини тадқиқ этиш;

Ўзбекистонда қулай ишбилармонлик муҳитини шаклланиши ва унинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатларини очиб бериш ва илмий асослаш;

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши жараёнларини таҳлил қилиш;

⁹ Абулқосимов Х.П. ва бошқ.:Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни бошқариш. –Т.: Ғофур Гулом номидаги нашриёт-матбаа уйи. 2007. -544 б.; А.Абдуллаев ва бошқ.: Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик: ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш. –Т.: «Fan va technology», 2005. – 444 б.

¹⁰ Ғафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш. Дисс... 08.00.13 – Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти; 08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси (иқтисодиёт фанлари) –Т.: 2017.

¹¹ Мустафақулов Ш.И. Инвестицион муҳит жозибадорлиги: назария, методология ва амалиёт. Монография. –Т.: “Iqtisod-moliya”, 2017. – 328 б.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини таҳлил қилиш;

кичик бизнес ва тадбиркорлик учун хизмат кўрсатувчи инфратузилмани баҳолаш ва муаммоларни ўрганиш;

рақамли иқтисодиёт асосида ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш бўйича ишланмалар яратиш;

ишбилармонлик муҳитини қулайлаштиришда инфратузилма фаолиятини кенгайтириш йўналишларини белгилаш;

кичик бизнес субъектлари фаолиятини прогнозлаш ва ишбилармонлик муҳитининг такомиллаштиришга доир илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистон Республикасида кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш фаолияти олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини шакллантиришда юзага келувчи иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, иқтисодий-статистик, монографик таҳлил, гуруҳлаш, солиштирма таҳлил, социологик сўровномалар ўтказиш, танланма кузатув, қўйилган муаммоларга мантқан ёндашиш ва олинган маълумотларни қиёсий таҳлил қилиш, корелляция ва регрессион таҳлил каби усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш» ва «ишбилармонлик муҳити» тушунчаларининг таркибий тузилишини мужассамловчи илмий-назарий ёндашувлар иқтисодий тизим асосий жиҳатларининг ўзаро функционал боғлиқлигини ўрганиш асосида такомиллаштирилган;

кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳити шаклланиши даражасини баҳолаш иқтисодиётдаги бозор инфратузилмаси, инфляция, бизнеснинг рентабеллиги ҳолати каби индексларни жорий этиш орқали такомиллаштирилган;

маҳаллий бошқарув органларининг ҳудуддаги ишбилармонлик муҳитини мувофиқлаштириш функцияларини кучайтириш орқали бозор инфратузилмаси билан уйғунлашган ҳолда кичик бизнес субъектлари фаолиятини тартибга солиш самарадорлигини таъминлаш асосланган;

мамлакатда «виртуал муҳит»ни кенгайтириш ёрдамида бизнес фаолият инфратузилмасини ривожлантириш орқали рақамли иқтисодиётнинг ишбилармонлик муҳити такомиллашувига таъсирини фаоллаштириш асосланган;

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми ўзгаришининг кўп омилли модели асосида 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг концептуал асослари тадқиқ этилиб, уларнинг замонавий йўналишлари доирасидаги турлича ёндашувлар муайян тизимга келтирилган;

ишбилармонлик муҳити ривожининг назарий асослари ҳамда иқтисодий моҳияти очиб берилиб, турли манбаларда баён этилган таркибий элементларини умумлаштириш асосида таснифлаш амалга оширилган;

кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишда ишбилармонлик муҳитига таъсир этувчи асосий омиллар аниқланган;

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши жараёнларини таҳлил қилиш асосида қулай ишбилармонлик муҳитини шаклланиши ва унинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари очиб берилган;

кичик бизнес ва тадбиркорлик учун хизмат кўрсатувчи инфратузилманинг ривожланганлик даражаси баҳоланиб, рақамли иқтисодиёт асосида ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

кичик бизнес субъектлари фаолиятини прогнозлаш ва ишбилармонлик муҳитини қулайлаштиришда инфратузилма фаолиятини кенгайтириш йўналишлари белгиланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан олингани, ўтказилган социологик сўровномаларнинг анкета ва суҳбат асосидаги сўров шаклларига асослангани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертация ишининг илмий хулоса ва амалий тавсияларидан келиб чиқиб, кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини қулайлаштиришга, ушбу мавзуга доир иқтисодий ривожланиш муаммоларини янада чуқур ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти улардан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солишнинг бошқа бошқарув органлари фаолиятини амалга оширишда ҳамда ушбу секторни ривожлантиришга бағишланган мақсадли дастурлар ва концепциялар ишлаб чиқиш, ҳудудлардаги кичик бизнес субъектларини давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини қулайлаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашда, шунингдек, олий ўқув юртларида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик асослари», «Макроиқтисодиёт», «Менежмент», «Стратегик менежмент» фанлари бўйича ўқув дастурларини такомиллаштириш, дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлаш жараёнларида илмий-услубий манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги орқали намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг концептуал асосларини ва ишбилармонлик муҳити ривожининг назарий ёндашувларини такомиллаштириш асосида ишлаб чиқилган таклифи Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан ҳудудий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2019 йил 10 декабрдаги 11/ЖМ-16-19163-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида Наманган вилоятида 1510 та янги иш ўринлари яратилган;

кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳити шаклланиши даражасини баҳолашни иқтисодиётдаги бозор инфратузилмаси, инфляция, бизнеснинг рентабеллиги ҳолати каби индексларни жорий этиш орқали такомиллаштириш асосидаги таклифи Наманган вилояти ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг¹² 2020 йил 8 январдаги АГ-04/20-04-сон маълумотномаси). Натижада, вилоятда кичик бизнес ҳамда ишбилармонлик муҳити ҳолатини баҳолашда қўшимча омиллар ҳисобга олиниб, соҳани янада ривожлантириш бўйича ишлаб чиқиладиган иқтисодий дастурлар аниқлик даражасининг ошишига имкон яратган;

маҳаллий бошқарув органларининг ҳудуддаги ишбилармонлик муҳитини мувофиқлаштириш даражасини ошириш орқали бозор инфратузилмаси билан уйғунлашган ҳолда кичик бизнес субъектлари фаолиятини тартибга солиш самарадорлигини таъминлаш таклифи Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2020 йил 8 январдаги АГ-04/20-04-сон маълумотномаси). Натижада, Наманган вилоятида 83 та янги иш ўрни яратилиб, ҳудудий кичик бизнес субъектлари томонидан янги бозорларни ўзлаштирилишига эришилган ҳамда вилоят тадбиркорлари томонидан Саудия Арабистони ва Қувайт давлатларига озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти йўлга қўйилиб, 32,2 млн. АҚШ доллари ҳажмида экспорт шартномалари тузиш имконияти яратилган;

мамлакатда «виртуал муҳит»ни кенгайтириш ёрдамида бизнес фаолият инфратузилмасини ривожлантириш орқали рақамли иқтисодиётнинг ишбилармонлик муҳити такомиллашувига таъсирини фаоллаштиришга асосланган илмий-амалий тавсиялар Наманган вилоятининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2020 йил 8 январдаги АГ-04/20-04-сон, Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 26 декабрдаги 01/3-04-18/2-364-сон маълумотномалари). Натижада, Наманган вилояти бўйича бизнес фаолият инфратузилмасини кенгайтириш ҳамда

¹² Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда уни тизим ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4653-сон қарорига кўра вазирликнинг номи “Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги”га ўзгартирилган.

ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш орқали кўшимча 2110 та янги иш ўринларини яратишга эришилган;

Ўзбекистонда кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот ҳажми ўзгаришининг кўп омилли модели асосида 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилганлигига доир таклифи Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан минтақаларни истиқболли ривожлантириш дастурларида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг 2019 йил 10 декабрдаги 11/ЖМ-16-19163-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур ташкилотнинг 2025 йилга қадар истиқболли ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 45 дан ортиқ, жумладан 32 та республика ва 14 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 50 дан ортиқ илмий иш, шу жумладан, 2 та илмий монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия этган илмий нашрларда 18 та илмий мақола, жумладан, 14 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 253 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳити шаклланишининг илмий-услубий асослари**» деб номланиб, унда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг концептуал асослари, ишбилармонлик муҳити ривожининг назарий асослари, иқтисодий моҳияти ва таркибини мужассамловчи элементлари назарий-услубий жиҳатдан очиқ берилган, кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишда ишбилармонлик муҳитига таъсир этувчи асосий омиллар категорияларининг илмий-назарий талқини баён этилган, шунингдек, тадқиқот вазифалари бўйича назарий натижа ва хулосалар ифодаланган.

Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш миллий иқтисодиётнинг давлат томонидан тартибга солишнинг таркибий қисмидир. Шу боис «кичик бизнес ва тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш» деганда, у ёки бу

иктисодий жараёнларда давлатнинг билвосита кўмаклашувчи, қисман чегаравий ҳолатдаги иштирокини тушуниш билан бир қаторда, уни рағбатлантирувчи ва ижтимоий-иктисодий ҳаётда салбий оқибатларни бартараф этувчи хусусиятларини англашимиз керак.

Бугунги кунда кичик бизнесни ривожлантиришда давлат томонидан тартибга солишнинг муҳим вазифалари қуйидагилардан иборат бўлмоқда:

давлат тузилмаларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини янада кўпроқ чеклаш;

кичик бизнес субъектлари томонидан содир этилган (агар у қасддан содир этилмаган ва катта бўлмаган) қонунбузарлик ҳолатларида жазо чораларини енгиллаштириш, яъни тадбиркорлар етказилган зарарни ихтиёрий равишда тўлиқ қоплаган ҳолларда жазони қўлламаслик;

бозор инфратузилмаси таркибидаги барча объектларда улар фаолиятни кучайтириш ва марказлаштирилган тақсимот тизимига қайтишга бўлган ҳар қандай уринишларга барҳам бериш;

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида давлат бошқарув идоралари томонидан бериладиган кўмак, қўшимча имтиёзлар ва преференциялар беришни кенгайтириш.

Ушбу муҳим вазифалар кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишни янада қулай ва такомиллашган имкониятларини юзага келтириб, муайян муҳитни шаклланишига шарт-шароит яратади. Бу шарт-шароит «ишбилармонлик муҳити» деб юритилиб, ушбу муҳит тадбиркорга бозордаги вазиятларни қандай бўлишини олдиндан кўра билиш имкониятини яратади.

Ишбилармонлик муҳитини назарий жиҳатдан ўрганилганда, ушбу иборага таъриф беришда турли мулоҳазалар борлиги аниқланди. Ишбилармонлик муҳитининг иқтисодий мазмунини очиб беришда хорижлик жуда кўп иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг олиб борган тадқиқотларидан намуналар келтириш мумкин¹³. Бундан ташқари Россия илмий манбаларида «деловая среда», «бизнес-климат»¹⁴ ёки «бизнес-среда»¹⁵ каби синонимлар кўп учрайди. Бу синоним тушунчалар инглизча «business-environment» тушунчасининг русча талқинлари бўлиб, ўзбек тилида «ишбилармонлик муҳити» тушунчасининг ўзидир. Ушбу манбаларда қайд этилишича, «ишбилармонлик муҳити – бизнесни юритишда унинг

¹³ Staley E., & Morse, R. (1971). Developing entrepreneurship: Elements for a program. In P. Kilby (Ed.), *Entrepreneurship and economic development*, pp. 357-384. New York: Free Press.; Bruno A.V., & Tyebjee T.T. (1982). The environment for entrepreneurship in C.A. Kent, D.L. Sexton, & K.H.Vesper (Eds.), *Encyclopedia of entrepreneurship*, pp. 288-307. Englewood Cliffs, NJ. Prentice Hall.; Garther W.B. (1985). A conceptual framework for describing the phenomenon of new venture creation *Academy of Management Review*, 10 (A), pp. 696-706.; Manning K., Birley S., & Norburn D. (1989). Developing new ventures strategy *Entrepreneurship Theory and Practice*, 14 (1), pp. 69-76.


¹⁴ Манбалар: <http://wiki.iis.ru/wiki/Бизнес-климат>. (доступ 22.04.2018).; Глоссарий по информационному обществу / Под общ. ред. Ю.Е. Хохлова. –М.: Институт развития информационного общества, 2009. С. 16. (электронный ресурс).

¹⁵ Быкова Е.С. Методологические основы оценки институциональной среды предприятия при формировании интеграционных процессов. // Ж. Вестник Саратовского государственного социально-экономического университета. №5. 2013. С.10.

ривожланиши ва самарадорлигига таъсир этувчи, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва тартибга солувчи шароитларнинг йиғиндисидир»¹⁶.

Ўзбекистонда, С.С.Ғуломов, Б.Ю. Ходиев, М.С. Қосимова, А.Н. Самадов, А.Хаджимуратов, М.Мирсаидов, Ё.Абдуллаев, Ф.Каримов, О.Абдуллаев ва Р.Исмоилов, М.Расулов¹⁷ каби бир қатор иқтисодчиларнинг илмий асарларида кичик бизнес ва тадбиркорликни назарий жиҳатдан ўрганишга, шунингдек, ривожлантириш, тадбиркорликни тузилиши, кўлами, фаолиятини ташкил этиш, уларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда шарт-шароит яратиш ёки тадбиркор ишлайдиган шароит, яъни муҳит бўлиши зарур деб, қайд этилган фикрлари мавжуд. Аммо мамлакатимиз иқтисодчиларининг илмий манбаларда «ишбилармонлик муҳити» тушунчасининг моҳиятини ифодалайдиган таърифлар келтирилмаган.

Муаллифлик таърифига кўра, ишбилармонлик муҳити – бу муайян иқтисодий эркинликни, тадбиркорликка хос жамоанинг мавжудлигини (ёки юзага келишини), иқтисодий муносабатларда бозорга хос устуворликнинг борлиги, тадбиркорлик капитали шаклланиши ва зарур ресурслардан фойдаланиш имконияти бўлган ижтимоий-иқтисодий вазият ёки шароитдир. Ишбилармонлик муҳити кичик бизнес субъектларини фаоллаштирадиган ва қулайлашувини таъминлайдиган муҳит бўлиб, бизнес субъектлари фаолиятига таъсир этувчи ташқи ва ички омилларни ўз ичига қамраган бўлади.



1-расм. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишда ишбилармонлик муҳитига таъсир этувчи асосий омиллар ва уларни ўзаро боғлиқлиги¹⁸

¹⁶ Глоссарий по информационному обществу / Под общ. ред. Ю.Е. Хохлова. –М.: Институт развития информационного общества, 2009. С.35-36. (электронный ресурс).

¹⁷ Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.: ТДАУ, 1998. 71 бет.; Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010. 25 б.; Хаджимуратов А.А. Предпринимательство: Сущность и основные компоненты. –СПб.: Изд. Санкт-Петербургского Университета Экономики и финансов. 1995. С. 73.; Мирсаидов М.С. Тадбиркорлик асослари. –Т.: Ўзбекистон, 2002. – 272 б.; Абдуллаев Ё. Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари: 100 савол ва жавоб. –Т.: Мехнат, 2000. 129 б.; Абдуллаев О., Исмоилов Р. Кичик ва ўрта бизнесни бошқариш. –Наманган.: НамПИ, 2001. – 115 б.; Расулов М. Бозор иқтисодиёти асослари: Дарслик. –Т.: Ўзбекистон, 1999. 227 б.

¹⁸ Расм муаллиф томонидан ишланган.

Ишбилармонлик муҳити ўзининг компонентлари билан тадбиркор учун муҳим аҳамиятга эга. Бундай муҳит муайян ҳудудда шаклланиб борар экан, энг асосий таъсир этувчи омиллар бўлмиш: сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий омиллар ушбу муҳит ўзгаришларини камраган ҳолда кичик бизнес субъектларининг фаолиятига ўзининг у ёки бу даражадаги таъсирини кўрсатади (1-расм).

1-расмга кўра муайян ҳудудда шаклланган ва ушбу омиллар таъсиридаги ишбилармонлик муҳити рағбатлантирувчи ёки уйғунлаштирувчи кўринишда бўлиши мақсадга мувофиқдир. Аммо ушбу омиллар амалиётда бизнес субъектларига турлича таъсир кўрсатиши табиий. Шу боис ишбилармонлик муҳитининг шаклланишида иқтисодий эркинлик, рақобат, бозорнинг устувор алоқалари билан бир қаторда, жамият таркибидаги ишбилармонларнинг кўлами ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Диссертациянинг «**Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришнинг замонавий услубиёти**» деб номланган иккинчи бобида саноати ривожланган мамлакатларда кичик бизнесни ривожлантиришнинг замонавий услублари, жаҳонда ишбилармонлик муҳитининг шаклланиши ва уни баҳолашнинг замонавий тизими, мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини шаклланиши ва унинг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари асослаб берилган.

Тараққий этган мамлакатларда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишдаги тажрибалар¹⁹ илғор шаклланган бўлиб, бу каби мамлакатларнинг ишбилармонлик муҳитидаги қулайликларни тадқиқотларимиз асосида ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлди. Хусусан, макроиқтисодий барқарор бўлган, тинчлиги таъминланган ва иқтисодиёти очиқ давлатларда ишбилармонлик муҳити кенгроқ ривожланган. Бундай мамлакатларда кичик бизнес субъектларининг эркин фаолияти таъминланади:

тадбиркорлар ўз хатти-ҳаракатларида дадил бўладилар;

инвестицияларнинг кириб келишига ва жалб этилишига катта имкониятлар мавжуд;

валюталар эркин конвертацияланади;

ўзаро иқтисодий алоқалар модернизация ва диверсификация асосида амалга оширилади;

коррупцияга қарши қонунларга жиддий риоя қилинади;

антимонопол қонунлар самарали ишлайди;

инновацияларни қўллаш учун кенг шароитлар мавжуд ва ҳоказо.

Фикримизча, ишбилармонлик муҳити ўта қулай бўлган мамлакатларда аҳолининг турмуш шароити жуда яхши таъминланган.

Ҳозирги даврда жаҳон мамлакатларидаги ишбилармонлик муҳити «Doing Business» гуруҳи, «Forbes» МЧЖ, «Transparency International», «Heritage

¹⁹ Қаранг Монография: Арипов О.А. Хорижий мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши. / О.Арипов; масъул муҳаррир А.М.Абдуваҳидов; ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Наманган давлат университети; Наманган муҳандислик-қурилиш институти. Наманган нашриёти, -Т.: 2018. – 213 б.

Foundation», «Knoema Corporation» ва бошқа бир қатор халқаро миқёсдаги ташкилот ёки жамиятлар томонидан ўрганилмоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Айрим халқаро ташкилотлар, халқаро нашрлар ва жамиятларнинг бизнес юриштиши баҳолаш бўйича рейтинг кўрсаткичлари²⁰

№	Doing Business ²¹	Forbes ²²	Heritage Foundation ²³ («Мерос» Фонди)	Transparency International ²⁴	Кноема Corporation ²⁵
1	Янги Зеландия	Буюк Британия	Гонконг	Дания	Янги Зеландия
2	Сингапур	Швеция	Сингапур	Янги Зеландия	Сингапур
3	Гонконг	Гоконг	Янги Зеландия	Финляндия	Дания
4	Дания	Нидерландия	Швейцария	Сингапур	Гонконг, Хитой
5	Корея Респуб.	Янги Зеландия	Австралия	Швеция	Корея Респуб.
6	АҚШ	Канада	Ирландия	Швейцария	АҚШ
7	Грузия	Дания	Буюк Британия	Норвегия	Буюк Британия
8	Буюк Британия	Сингапур	Канада	Нидерландия	Грузия
9	Норвегия	Австралия	БАА	Германия	Норвегия
10	Швеция	Швейцария	Хитой Респуб.	Люксембург	Швеция
11	Литва	Ирландия	Исландия	Исландия	БАА
12	Малайзия	Тайвань	АҚШ	Австралия	Малайзия
13	Маврикий	Финляндия	Нидерландия	Австрия	Тайвань, Хитой
14	Австралия	Германия	Дания	Канада	Литва
15	Хитой Респуб.	Норвегия	Эстония	Буюк Британия	Эстония
16	БАА	Жанубий Корея	Грузия	Гонконг	Австралия
17	Шим. Македония	АҚШ	Люксембург	Бельгия	Шим. Македония
18	Эстония	Испания	Чили	Эстония	Маврикий
19	Латвия	Япония	Швеция	Ирландия	Латвия
20	Финляндия	Бельгия	Финляндия	Япония	Финляндия
	Ўзбекистон–69	Ўзбекистон–105	Ўзбекистон–140	Ўзбекистон–153	Ўзбекистон–71
	Рейтинг бизнес юриштиш қулайлиги индекси билан баҳоланади (190 та давлат)	Рейтинг ишбилармонлик муҳити ва максимал фойда олиш шароитлари билан баҳоланади (161 та давлат)	Рейтинг иқтисодий эркинлик индекси билан баҳоланади (170 та давлат)	Рейтинг коррупция чидамлилиги даражаси билан баҳоланади (180 та давлат)	Рейтинг бизнес юриштиш қулайлиги индекси билан баҳоланади (188 та давлат)

Хусусан, 1-жадвалдан ТОП-20 рейтингдаги мамлакатлар рўйхатининг учдан икки қисми Европа мамлакатларига тўғри келганлигини кўриш мумкин. Агар бу рейтингларни қуйи рўйхатдагиларини давом эттирилса, бу мамлакатларнинг «...70 фоизи Африка давлатлари бўлиб, улар коррупциянинг юқори даражаси, кўп миқдордаги солиқ, фаолиятни лицензиялашнинг қийин механизмлари ва юридик шахсни рўйхатга олишнинг узоқ тартиблари билан ажралиб туради»²⁶. Мазкур ташкилот ва жамиятлар ўз мезонлари асосидаги рейтинг кўрсаткичларига эга бўлиб, жаҳон мамлакатларининг деярли 76 фоизгача бўлган қисмини қамраб олган.

²⁰ Жадвал муаллиф томонидан ҳисоблаб тузилган. Бунда барча маълумотлар 2019 йил якунига тўғри.

²¹ Манба: [https://ru.wikipedia.org/wiki/Рейтинг лёгкости ведения бизнеса](https://ru.wikipedia.org/wiki/Рейтинг_лёгкости_ведения_бизнеса). Маълумотлар Doing Business-2020 ҳисоботида кўра тўғри.

²² Манба: <https://nonews.co/directory/lists/countries/top-bussines>

²³ Манба: [https://ru.wikipedia.org/wiki/Индекс экономической свободы #Рейтинг на 2019 год](https://ru.wikipedia.org/wiki/Индекс_экономической_свободы_#Рейтинг_на_2019_год).


²⁴ Манба: <https://nonews.co/directory/lists/countries/corruption>

²⁵ Манба: <https://knoema.com/atlas/ranks/Ease-of-doing-business-index>

²⁶ Манба: <https://www.transparency.org/cpi2018#methodology>

Шу билан бирга, 2019 йил якунига келиб, 115 та мамлакатда барча соҳаларда тартибга солишни яхшилаш бўйича 300 га яқин ислохотлар амалга оширилиб, Жаҳон банкининг «Doing Business» гуруҳи томонидан ижобий баҳоланди²⁷. Аммо 26 та давлатда жорий этилган 31 та ислохотлар бизнесни тартибга солиш сифати ва самарадорлигига салбий таъсир кўрсатди²⁸.

Халқаро рейтингда поғонаси юқорилаган давлатларда кичик бизнес ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароитлар яратилиб, тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ тартиб-таомилларнинг барча турларини қисқартириш, соддалаштириш ва очиқ-ойдинлик даражаси ошиб бораётганлигини хис этиш мумкин. Хусусан 2-расмда 2006-2020 йиллар мобайнида фақат Ўзбекистон рейтингда ўсиш тенденцияси мавжудлигини кўриш мумкин.



2-расм. Жаҳон банки «Doing business» гуруҳининг таҳлиliga кўра айрим мамлакатларнинг рейтинг кўрсаткичлари ²⁹

Нафақат сиёсий омил балки, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун бизнес субъектларига иқтисодий эркинлик яратувчи, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан қулай муҳитни яратиш қийин бўлмоқда. Натижада бу каби мамлакатларга инвесторларнинг ишончи сезиларли бўлмаяпти.


Жаҳон Банки (ЖБ) ҳамда Халқаро Молия корпорацияси (ХМК) ҳисоботларида айнан сўнгги (2016-2019) йилларда Ўзбекистон ўз ислохотларида кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга жиддий эътибор қаратаётганлиги, ижобий изоҳлар билан эътироф этилди. Бунга далил 2006-2019 йиллар мобайнида Ўзбекистон ўз рейтингини 62 поғонага кўтарганлигидир.

²⁷ Doing Business-2020 Comparing Business Regulation in 190 Economies 2020. International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank. NW, Washington, P. 11.

²⁸ Ўша манба. 13 бет.

²⁹ Муаллиф томонидан «Doing business» гуруҳининг йиллик ҳисоботлари асосида тузилган.

Қолаверса, 3-расмдагидек «Doing Business» тадқиқотларининг 2006 ва 2019 йиллардаги ҳисоботлари таққосланганда, Ўзбекистон рейтинги рақобатида сезиларли устуворликка эришилган. (3-расм).



3-расм. «Doing Business» тадқиқотларида Ўзбекистон 2006 ва 2020 йилларда рақобатлашган давлатларнинг даромадига кўра табақаси³⁰

Бирок, бугунги кунда бу каби ислоҳотларни давом эттириш жуда зарур. Чунки Ўзбекистон МДҲ давлатлари орасида яхши позицияга эга бўла олмаяпти. Шундай экан, Ўзбекистонда ишбилармонлик муҳитини янада қулайлаштириш масалалари ўзига хос долзарблик касб этади.

Шу боис, мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини кучайтириш ва уни кенг ривожланишини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

коррупцияга қарши курашиш бўйича ислоҳотларни кучайтириш ва давлат хизматларида сифатни оширишга эътибор қаратиш;

солиқ тизимидаги ислоҳотларни тадбиркорлик фаолиятини қулайлаштиришга йўналтириш;

маъмурий бошқариш тизимидаги вертикал алоқа ва муносабатларни ташкиллаштиришда вазиятли ёндашувлардан кенг фойдаланиш ва ижобий натижалар мониторингини йўлга қўйиш;

давлат хизматида билимли, салоҳиятли, тажрибали мутахассисларни жалб этиш ва бизнес бошқарувидаги муносабатларни соддалаштириш;

кичик бизнес субъектларини ҳуқуқий ҳимоялашни кучайтириш;

ижтимоий ҳимоялаш бўйича ислоҳотларни ҳозирги давр талабларига мослаштириш.

³⁰ Расм муаллиф томонидан ҳисоб-китоб ва таҳлиллар асосида ишланган. Манбалар: <https://russian.doingbusiness.org/ru/rankings?incomeGroup=high-income>; https://ru.wikipedia.org/wiki/Рейтинг_лёгкости_ведения_бизнеса.

Алоҳида эътироф этиш керакки, мамлакатда бозор инфратузилмаси, инфляция, жинойтчилик даражаси, бизнесни рентабеллиги каби умумий шароитларни ҳисобга олувчи индексларни жорий этиш зарур

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг ҳозирги ҳолати ва ишбилармонлик муҳитининг ривожланиши таҳлили**» деб номланган учинчи бобида Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожланиши, ушбу секторни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳити таҳлиллари келтирилган. Шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорлик учун хизмат кўрсатувчи инфратузилма фаолияти ижтимоий тадқиқотлар таҳлиллари асосида баҳоланди.

Фикримизча, Ўзбекистонда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишда давр ва замонга мос ёндашувлар кичик бизнес субъектлари сафининг кенгайишига салмоқли таъсир кўрсатди. Агар 1999-2019 йилларда рўйхатга олинган кичик корхоналар ва микрофирмалар сони 1,9 баравар ошган бўлса, бу йиллар мобайнида фаолият кўрсатганлари 2,3 бараварга ошган.

Назарий жиҳатдан ҳам, амалий жиҳатдан ҳам агар бирон бир тармоқда хўжалик юритувчи субъектлар сони қанча кўп бўлса ва уларнинг иқтисодий муносабатлари қанча чуқурлашиб борса, шубҳасиз ўша тармоқда рақобат муҳити яхши шаклланган бўлади³¹. Қолаверса, рақобат фақатгина мавжуд бозор сегментида рўй беради³². Бироқ, миллий иқтисодиётнинг соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш, ахборот ва алоқа, ташиш ва сақлаш каби соҳаларида кичик бизнес субъектлари сони сезиларли ошмаяпти. Бу каби салбий ҳолатларнинг асосий омиллари қуйидагилардан иборат:

соҳада малакали мутахассисларнинг етишмаётганлиги;

замонавий техника-технологияларни амалиётга жорий этишдаги ўзига хос муаммолар;

айрим кичик бизнес субъектларининг бозор иқтисодиёти шароитларида мукамал ҳаракатлана олмаслиги;

тадбиркорлик тамойилларига тўлиқ амал қилмаслик, масалан, инновацияни қўллай олмаслик, таваккалчиликни баҳолай олмаслик ёки мулкдан фойдаланишда тажрибанинг етарли эмаслиги ва ҳоказо.

Фикримизча, кичик бизнес ва тадбиркорликда рақобат муҳитининг янада кенгроқ шаклланишига йўналтирилган чора-тадбирларни тадбиқ этиш зарур. Бунда асосан, иқтисодиётнинг барча тармоқларида кичик бизнесни ривожлантириш билан бир қаторда, кичик бизнес субъектлари айнан миқдор жиҳатидан камроқ ривожланаётган соҳаларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

Илмий таҳлилларимизга кўра, аксарият респондентлар «ишбилармонлик муҳити» тушунчасига аниқ таъриф келтира олмаган бўлсалар-да, уларнинг атиги 13,6 фоизида ишбилармонлик муҳитини яхшироқ тушунишлари аниқланди. Шунингдек, 24,7 фоиз респондентларнинг «тадбиркорларга

³¹ Пол А. Самуэльсон, Вильям Д.Нордхаус. Экономика: Пер с англ. –М.: «Лаборатория Базовых Знаний», 2000. С. 174-183.

³² Катъало В.С., Панибратов А.Ю. Основы бизнеса: Учебник. –СПб.: Издат. Дом С.-Претерб. гос. ун-та, 2006. С. 14.

шароитлар яратилган муҳит» (34 та), «тадбиркорлар ишлайдиган муҳит» (32 та), «тадбиркорлик фаолиятида қонуний муносабатларни ўрнатиш» (31), «эркин савдолашиш муҳити» (29 та) ва бошқа шу каби жавобларини мантиқан тўғри деб ҳисоблаш мумкин. Агар респондентларнинг аниқроқ изоҳларини (13,6%) мантиқан тўғри жавоблари (24,7%) билан биргаликда эътироф этадиган бўлсак, бу кўрсаткич 38,4 фоизни ташкил этади. Айнан шу респондентлар ишбилармонлик муҳитини яхши тушуниб, бундай муҳитда максимал фойдага эришиш имконияти борлигини хис этадилар (2-жадвал).

2-жадвал

Респондентларнинг «Ишбилармонлик муҳити тушунчасига изоҳ беринг» деган саволга берган жавоблари салмоғи³³

Респондентларнинг «ишбилармонлик муҳити» тушунчасини изоҳлашдаги аниқроқ жавоблари			Жавоблар салмоғи
<ul style="list-style-type: none"> – Ҳар хил назорат органларининг ўринсиз аралашувларига чек қўйилган муҳит-17 – Корхона фаолиятини дадил юритиш учун тўсиқларнинг бўлмаслиги-15 – Амалдаги қонунчилик асосида банк, солиқ ва савдо ишларини бир-бирига боғлиқ ҳолда юритилиши-16 – Бизнес қилиш учун эркин шароитлар яратилган муҳит-16 – Эркин иқтисодиётнинг ривожланишидир-14 – Ҳуқуқий асослар билан бизнесни эркин юритишга имкон бериш-11 – Сармоияни самарали ва фойдали ишларга сарфлаш учун яратилган шароитлар-9 			13,6% (98 та)
Респондентларнинг мантиқан тўғри бўлган изоҳлари	Жавоблар салмоғи	50/50 деб ҳисоблаш мумкин бўлган изоҳлари	Жавоблар салмоғи
<ul style="list-style-type: none"> – Тадбиркорларга шароитлар яратилган муҳит-34 – Тадбиркор ишлайдиган муҳит-32 – Тадбиркорлик фаолиятида қонуний муносабатларни ўрнатиш-31 – Эркин савдолашиш муҳити-29 – Ишлаб чиқаришни ва соҳа турларини кенгайтиришга шароитлар яратиш-27 – Харидорғир ва орзон маҳсулот тайёрлаш-24 	24,7% (177 та)	<ul style="list-style-type: none"> – Ҳалол ва келишув асосида пул топишга йўналтирилган муҳит-44 – Бозорни ўрганиш ва рақобатчиларни ўрганиш-31 – Сифатли иш юритиш муҳити-28 – Ўзаро манфаатли, ҳалол, ҳуқуқий, ахлоқли бўлиш-26 – Рақобатчилар ҳаракатидан иборат муҳит-22 – Иш ўринлари яратиб бозор ва рақобатбарли жамият ҳаракати-10 	22,5% (161 та)
Респондентларнинг нотўғри берган изоҳлари	Жавоблар салмоғи	Саволни жавобсиз қолдирган респондентлар	Жавоблар салмоғи
<ul style="list-style-type: none"> – Қайсидир бир соҳани билган ҳолда иш юритиш-31 – Узокни кўра билиш-25 – Савдолашиш-23 – Корхона сирини асраш-22 – Янги ғоялар устида ишлаш-19 – Даромадларнинг юқорилик даражаси-17 – Кам сарфлаб кўп манфаат олиш -15 	21,2% (152 та)	Респондентлар томонидан изоҳлар келтирилмаган-89	16,9% (121 та)
Саволга мантиқан тўғри келмайдиган жавоблар			Жавоблар салмоғи
<ul style="list-style-type: none"> – Илм-фанни ривожлантириб, янги ғояларни амалга ошириш-4; – «Йўқдан бор қиладиган» шахс-2; – Инновацион муҳит-2 			1,1% (8 та)
Жами 717 та респондент			

³³ Жадвал муаллиф томонидан ўтказилган ижтимоий сўровнома асосида тузилган.

Ишбилармонлик муҳитини изоҳлашда 22,5 фоиз респондентлар ўз жавобларида айнан тўғри изоҳлар келтира олмаган бўлсалар-да, уларнинг берган жавобларини мазмундан 50/50 тарзида ҳисобга олишимиз мумкин. Чунки бу каби респондентларнинг жавобларида ишбилармонлик муҳитини акс эттирувчи мантиқий ёндашувлар учрайди (2-жадвал).

Фикримизча, «ишбилармонлик муҳити» атамаси ўзаро таъсир соҳаларининг чегаралари ва хусусиятларини аниқлаш, шунингдек, барча манфаатдор томонлар фаолиятида тижорат манфаатларининг тарқалишини таъкидлаш учун ишлатилади. Таҳлиллардан кўришиб турибдики, ҳар қандай бизнес субъектининг хўжалик фаолиятида ҳаракатлантирувчи мотив, бу – унинг иқтисодий манфаатидир. Субъект ўзи учун иқтисодий майдон чегараларини торайтириб, уларни бизнесни юритиш муҳити сифатидаги ташқи муҳит, яъни ишбилармонлик муҳити деб белгилайди.

Респондентларнинг 21,2 фоизи берилган саволга мутлақо тўғри келмайдиган жавоблар беришган. Умуман изоҳ келтирмаганлар 16,9 фоизни ташкил этди. Бу каби респондентларнинг ишбилармонлик муҳити тўғрисида умуман тасавурлари йўқ деб ҳисоблаймиз. Эътиборлиси шундаки, респондентлар орасида «ишбилармонлик муҳити» тушунчасини мантиқсиз изоҳлаганлар (1,1%) ҳам учрайди (4-расм).



4-расм. «Ишбилармонлик муҳити» тушунчасини изоҳлай оладиган ва изоҳлай олмайдиган жами респондентлар ҳолати³⁴

Шу билан бирга, мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ва ишбилармонлик муҳитини фаол амал қилишига тўсқинлик қилувчи, у ёки бу даражадаги муаммолар хали-ҳануз ўз ечимига эга бўлмаётганлиги сезилмоқда. Бунини мамлакатимиз тадбиркорлари ва кичик бизнес субъектлари томонидан ижтимоий тармоқлардаги чиқишларидан,

³⁴ Муаллифнинг ижтимоий сўровнома натижалари асосида ишланган.

қолаверса, расмий муассасалар томонидан ўтказилган турли ижтимоий сўровнома натижаларидан билиб олиш қийин эмас.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (ЎЗР ДСҚ) ва муаллиф томонидан ўтказилган ижтимоий сўровнома натижаларининг таққосланиши³⁵

бирлик / фоизда

Ўтказилган ижтимоий сўровномалар	Жами респондентлар	Жавоблар: ЎЗР ДСҚда / Муаллифда					
		Қулай / Яхши мавжуд	Ўртача мавжуд	Қониқарли/Қулайлиги бор	Ноқулайроқ	Қониқарсиз / Ёмон	Жавоб бермаганлар
ЎЗР ДСҚ маълумотлари ³⁶ (2019 й. IV-чор.)	$\frac{1275}{100\%}$	$\frac{407}{31,9\%}$	-	$\frac{701}{55,0\%}$	-	$\frac{167}{13,1\%}$	-
Муаллиф томонидан ўтказилган сўровнома натижалари ³⁷	$\frac{717}{100\%}$	$\frac{146}{20,4\%}$	$\frac{183}{25,5\%}$	$\frac{138}{19,2\%}$	$\frac{103}{14,4\%}$	$\frac{94}{13,1\%}$	$\frac{53}{7,4\%}$
ЎЗР ДСҚ маълумотлари ³⁸ (2020 й. I-чор.)	$\frac{2456}{100\%}$	$\frac{433}{17,6\%}$		$\frac{1674}{68,1\%}$		$\frac{351}{14,3\%}$	

Муаллиф томонидан ўтказилган ижтимоий сўровнома натижаларини Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси томонидан 2019 йилнинг IV-чорагида ўтказилган сўровнома натижаларига таққослаганда, 3-жадвалда келтирилганидек респондентлар жавобларидаги фарқ сезиларли бўлгани йўқ. Масалан, қўмита томонидан ўтказилган сўровномада 31,9% респондентлар мамлакатдаги иқтисодий ҳолатни «қулай» деб қайд этган бўлсалар, биз ўтказган сўровнома натижаларида худди шу ҳолатни «яхши мавжуд» деб, 20,4% респондентлар ўз жавобларида келтирганлар. Бошқача айтганда, айнан шу жавоб салмоғи қўмита томонидан ўтказилган сўровномада 11,5 фоизга устувороқдир. Сўровномамизда респондентларнинг 25,5% «ўртача мавжуд» ва 19,2% «қулайлиги бор» деб белгилаган жавобларини, қўмита томонидан ўтказилган сўровномадаги 55,0% респондентларининг «қониқарли» деб берган жавоблари билан таққослаганимизда, биз ўтказган сўровнома натижаси 10,3 фоизга камроқни ташкил этади. Аммо сўровномамизда ишбилармонлик муҳитини «ёмон» деб белгилаган 13,1% респондентлар жавобини, қўмита ўтказган сўровномада айнан шунча респондентларнинг «ноқулай» деган жавоблари билан бир хил деб ҳисоблаш мумкин (3-жадвал).


Бироқ, 2020 йилнинг I-чорагида Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси томонидан ўтказилган сўровнома натижаларига кўра мамлакатдаги умумий иқтисодий ҳолатни яхши деб баҳолай олмаймиз.

³⁵ Жадвал муаллиф томонидан тузилган.

³⁶ Манба: <https://stat.uz/uploads/doklad/2019/yanvar-dekabr/uz/8.pdf> (2019 й. IV-чорак бўйича).

³⁷ Ижтимоий сўровнома муаллиф томонидан тузилган анкета асосида Наманган, Фарғона, Бухоро, Тошкент ва Андижон вилоятлари бўйича ўтказилди. Маълумотлар 2019 йилнинг август ойига тегишли ҳолатда тўғри.

³⁸ <https://stat.uz/uploads/doklad/2020/yanvar-mart/uz/8.kichik-tadbirkorlik.pdf> (2020 й. I-чорак бўйича).



5-расм. Респондентларнинг «Корхона банкротлиги қандай омилларга боғлиқ?» деган саволга берган жавоблари салмоғи³⁹

Респондентлардан корхоналарнинг банкротлиги қандай омилларга боғлиқлиги сўралганда, уларнинг 386 нафари (яъни 53,9%) ташқи омилларга, 183 нафари (25,5%) – ички омилларга ва 148 нафари (20,6%) ушбу саволни жавобсиз қолдирганлар (5-расм).

4-жадвал

Респондентлар ўз бизнесини ривожлантиришда дуч келинаётган қийинчиликлари⁴⁰

Бизнесни ривожлантиришда дуч келинаётган қийинчиликлар	Жами	Шу жумладан					Умумий жамига нисбатан
		Наманган вилояти	Фарғона вилояти	Бухоро вилояти	Тошкент вилояти	Андижон вилояти	
кредит олишдаги қийинчиликлар, кредит ҳажмининг кичиклиги	113	73 16,0%	16 15,8%	13 15,0%	8 13,7%	3 20,0%	15,7%
солиқлар ва мажбурий тўловларни кўплиги	98	64 14,0%	14 13,8%	12 13,8%	7 12,1%	1 6,7%	13,7%
бизнесни юритишга маъмурий бошқарув органларининг ноўрин аралашуви	88	55 12,1%	13 12,8%	11 12,6%	7 12,1%	2 13,3%	12,3%
лицензиялар олишдаги қийинчиликлар	59	40 8,8%	9 9,0%	8 9,2%	2 3,4%	0	8,2%
кредит олиш учун қафолат тартиботлари соддалаштирилмаган	64	39 8,5%	9 9,0%	8 9,2%	7 12,1%	1 6,7%	8,9%
хом ашё материалларини чекланганлиги ва уларнинг нархларидаги ўзгаришлар	66	38 8,3%	10 9,9%	7 8,0%	10 17,2%	1 6,7%	9,2%
маҳсулотлар (хизматлар)ни ишлаб чиқаришда харажатларни кўпайиб кетиши	53	32 7,0%	7 7,0%	7 8,0%	6 10,3%	1 6,7%	7,4%
бошқа сабаблар (ер ажратишнинг қийинлиги, биноларни ноль баланс асосида тадбиркорларга берилмаётганлиги, коррупциянинг мавжудлиги, ва ҳоказо)	100	64 14,0%	13 12,8%	12 13,8%	8 13,8%	3 20,0%	13,9%
Жавоб беришни хоҳламаганлар (ёки саволни жавобсиз қолдирганлар)	76	51 11,2%	10 9,9%	9 10,3%	3 5,2%	3 20,0%	10,6%
Жами респондентлар	717	456	101	87	58	15	100%

Ташқи омиллар қаторида асосиз тўсиқларнинг борлиги, маҳаллий бошқарувдаги тўсиқлар, инфратузилма фаолиятидаги сустликлар, солиқ тизимига доир муаммолар қайд этилган бўлса, ички омиллар қаторида корхона стратегиясининг тўғри танланмаганлиги, корхона раҳбарига кўп нарса


³⁹ Муаллифнинг ижтимоий сўровнома натижалари асосидаги ишланмаси.

⁴⁰ Муаллиф томонидан ўтказилган ижтимоий сўровнома натижалари асосида ҳисоблаб тузилган.

боғлиқлиги, кадрларда етарли билим ва малакаларнинг шаклланмаганлиги сабаб сифатида келтирилган.

Айни пайтда Наманган, Фарғона, Бухоро, Тошкент ва Андижон вилоятларида ўтказилган ижтимоий сўровнома натижаларига кўра кичик бизнес субъектларининг ўз бизнесларини ривожлантиришдаги дуч келинаётган қийинчиликлари сўралганда, 5-расмдаги каби ўхшаш муаммоларнинг мавжудлиги 4-жадвалда янада ойдинроқ тарзда респондентларнинг берган жавоблари асосида қайд этилган.

Таҳлиллардан кўринадики, кичик бизнес субъектлари ўз фаолиятларида асосан, кредит олишдаги ва солиқ тизимига доир қийинчиликларга кўпроқ дуч келмоқдалар. Маҳаллий бошқарув органларининг ноўрин аралашувлари ҳам барҳам топмаётганлиги кузатилмоқда. Қолаверса, ханузгача ер ажратишнинг қийинлиги, биноларни ноль баланс асосида тадбиркорларга берилмаётганлиги, коррупциянинг мавжудлиги каби муаммолар (13,9%) ҳам учрайди.



6-расм. Респондентларнинг маҳаллий ҳокимият органлари томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларга мажбуран жалб қилинмасликлари аммо хомийликка жалб этилганликларини акс эттирувчи жавоблар салмоғи⁴¹

Эътиборлиси шундаки, респондентларга «Маҳаллий ҳокимият органлари томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш юзасидан ўтказилган тадбирларга мажбуран жалб қилинганмисиз?» деган саволга 717 та респондентдан атиги 130 нафари (18,1%) «ҳа» деб жавоб берган бўлса, қолганлари «йўқ» деб жавоб беришган. Аммо хомийликда кўпроқ қандай ишларга жалб этиляпганлари ҳақида сўралганда, респондентларнинг 177 нафарида, яъни, 21,7 фоизда,

⁴¹ Расм муаллиф томонидан ўтказилган ижтимоий сўровнома натижалари асосида ишланган.

«хашар», «илтимоскорона», «эхсон» тарзидаги хомийликлар давом этаётганлигини қайд этишган (6-расм).

Бир қатор йўналишларда тадбиркорлик соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг бюрократлашган методлари ҳали ҳам сақланиб қолмоқда, бу эса, ўз навбатида, маҳаллий бизнеснинг рақобатдошлигини жадал ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитига янги технологиялар ва инновацияларни татбиқ қилиш, қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини яратиш бўйича давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончни мустаҳкамлашга тўсқинлик қилмоқда⁴².

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишда юзага келаётган қатор муаммолар туфайли мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини фаол ишлашига олиб кела олмаётганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Умуман олганда кичик бизнесни ривожлантириш ва ишбилармонлик муҳитини қулайлаштириш мақсадида қатор жиддий чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

давлат бошқарув идоралари раҳбар ходимларини функционал вазифаларини бозор муносабатларини ривожлантиришга йўналтириш керак;

бозор инфратузилмалари фаолиятини яхшилаш ва уларнинг хизмат кўрсатишдаги сифатини ошириш мақсадида маркетингни ривожлантириш ва бу борада кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш керак;

ишбилармонлик муҳитини (худудлар кесимида) доимий мониторингини бюллетенлар ва пресс-релизлар чоп этиш асосида давлат хизмат кўрсатувчи органларига, тадбиркорларга, қолаверса оммага маълум қилиш муҳимдир.


Диссертациянинг «**Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантириш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш истиқболлари**» деб номланган тўртинчи бобида рақамли иқтисодиёт асосида ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини қулайлаштиришда инфратузилма фаолиятини кенгайтириш йўналишлари ҳамда кичик бизнес субъектлари фаолиятини прогноزلаш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш масалалари илгари сурилган.

Ўзбекистон иқтисодиётида рақамли иқтисодиёт туфайли юзага келган виртуал муҳит ўз-ўзидан ишбилармонлик муҳитининг кенгайишига олиб келмоқда. Аммо ишбилармонлик муҳитининг кенгайишида қонунчиликни такомиллаштириш, малакали мутахассисларни жалб этиш, инфратузилма фаолиятини яхшилаш, коррупцияга қарши курашиш каби омилларнинг аҳамиятини алоҳида эътироф этиш зарур деб ҳисоблаймиз (7-расм).

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши кичик бизнес субъектларининг барчасига тенгдай ижобий таъсир қилмаслиги мумкин. Аммо рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши тўрт томонлама вазиятни келтириб чиқаради.

Биринчидан, рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши бозордаги муҳитнинг кескинлашувига олиб келади.

⁴² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”. ПФ-5409-сон. 11 апрель, 2018 й.



7-расм. Рақамли иқтисодиёт таъсирида ишбилармонлик муҳитининг кенгайиши механизми⁴³

Иккинчидан, рақамли иқтисодиётга хос бўлган технологик ўзгаришлар, ишлаб чиқарувчилар ва харидорларнинг бизнес юритишлари учун янги бозор қоидаларининг юзага келиши намоён бўлади.

Учинчидан, рақамли технологияларнинг кенг жорий этилиши меҳнат бозорига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Тўртинчидан, ахборот-коммуникация технологиялари тизими ривожланган сари хавфсизлик масалалари ҳам ўзига хос мураккаблашади.

Шу билан бирга, тадбиркорлар рақамли иқтисодиёт имкониятларидан тўлиқ хабардор бўлмаганликлари туфайли, янги технологияларни жорий этиш ва ходимларга рақамли технологияларни ўқитишга тайёр эмаслар. Шунинг учун кичик бизнес субъектларини рақамли технологияларни ўзлаштиришга ўргатиш ва бизнеснинг рақамли модели афзалликларини тушунтиришга эришиш зарур.

Рақамли технологияларга ўтиш корхоналар учун ҳам, давлат учун ҳам бир қатор афзалликларга эга. Хусусан, тадбиркорлар учун янги рақамли технологияларни жорий қилишнинг афзаллиги қуйидагилардан иборат:

энг аввало корхоналарнинг харажатлари қамаяди;

меҳнат унумдорлиги ошади ва мижозлар билан ишлаш жараёнлари мувофиқлаштирилади;

кичик бизнес субъектлари ўртасидаги ўзаро иқтисодий муносабатларда тезкорлик ошиши туфайли самарадорлик ортади.

Давлат учун эса рақамли иқтисодиётнинг афзаллиги қуйидагича:

маъмурий тартиб-қоидаларни соддалаштиришга ёрдам беради;

кичик бизнес фаолиятини тартибга солишда қулайлик яратади;

⁴³ Расм муаллиф томонидан ишланган.

кичик бизнес субъектлари билан давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар яқинлашади ва ўзаро манфаатли муносабатлар чуқурроқ ўрганилади.

Фикримизча, ишбилармонлик муҳитининг кенгайиши учун бизнесни ривожига хизмат қиладиган инфратузилма, кичик бизнес корхоналари фаолиятини молиявий, меҳнат, ахборот ресурслари билан, шунингдек, транспорт, консалтинг, аудит, суғурта ва бошқа хизматлар фаоллигини ошириш зарур.

Инфратузилма элементига кирувчи ҳар бир соҳада ўзининг мутахассислиги асосида ишлайдиган кадрлар зарур бўлади. Инфратузилма элементи – бу хизматнинг ихтисослаштирилган тури ёки кичик корхона фаолиятининг ҳар қандай соҳасида ишлаши мумкин бўлган зарур шарт-шароитларнинг яратилишидир. Бу каби шарт-шароитларнинг яратилишида ҳам мутахассисларнинг етишмаётганлиги асосий омилга айланган.

Бугунги кунда бозор инфратузилмалари фаолиятини яхшилаш ва уни ривожлантиришдаги асосий мақсад кичик бизнес субъектлари учун ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни самарали ташкиллаштиришдир. Бозор инфратузилмаларининг фаол ишлаши нафақат кадрларнинг малакаларига балки, кадрлардаги касбга бўлган меҳр, фидоийлик, адолатли ва виждонли бўлиш ҳамда инсофлилик фазилатларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ. Буни 8-расм орқали тушунтириш мумкин, яъни, ишбилармонлик муҳитининг қулайлашуви жойлардаги малакали мутахассисларга кўпроқ боғлиқ.



8-расм. Бозор инфратузилмаларини ривожлантиришдаги асосий мақсадларнинг ишбилармонлик муҳитининг қулайлашувига йўналтирилиши⁴⁴

Айни пайтда, бозор инфратузилмасининг диверсификациялашувида бозор хизматларининг электрон шакллари тобора кенгайган. Энг муҳими, ишбилармонлик муҳитининг ўзига хос қулайлашуви асосида глобал муносабатларнинг ривожини авж олмоқда.

⁴⁴ Расм муаллиф томонидан ишланган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ишбилармонлик муҳитининг (I_m) яхшиланишида рамзий маънода:

$$I_m = K_T + M_m + \text{Инф}_\phi + \text{Кор}_{\text{КК}}$$

кўринишидаги формулага мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир. Демак, ишбилармонлик муҳитини қулайлашувида қонунчиликни такомиллаштириш (K_T), малакали мутахассисларни (M_m) жалб этиш, инфратузилма фаолиятини (Инф_ϕ) яхшилаш билан бир қаторда, коррупцияга қарши курашиш ($\text{Кор}_{\text{КК}}$) муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда кичик бизнеснинг ЯИМдаги улушини ўсиб бораётганлигини эътиборга олсак, ушбу соҳа ривожланишига ва таракқий этишига эътибор қаратиш ҳамда фаолиятини тартибга солишни тақозо этади. Тартибга солиш учун эса ушбу соҳа фаолиятини юқорида таъкидланганидек, чуқур ўрганиш ва таҳлилларни олиб бориш лозим. Бунинг учун тадқиқотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти томонидан ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулоти ҳажмининг ўзгаришига кичик бизнес субъектлари фаолиятини таъсирини ҳамда боғлиқлигини эконометрик таҳлил қилиш ва илмий асосланган хулосалар чиқариш мақсадга мувофиқдир.

Шу маънода тадқиқот ишида 2000–2018 йилларда Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти томонидан ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулоти – Y ўзгаришига таъсир этувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан энг кўп фаолият юритаётган тармоқлар жумладан, саноатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми – X_1 , савдо – X_2 , қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги – X_3 ва ушбу соҳада банд аҳоли сони кўрсаткичлари – X_4 танлаб олинди. Авваламбор, ушбу омилларнинг корреляцион боғланишини текшириб, уларни тўғри танланганига ишонч ҳосил қилиш лозим (5-жадвал).

5-жадвал

Кичик бизнес ялпи маҳсулот ҳажми ўзгаришига омиллар таъсирининг корреляцион боғланиш даражаси

	Y	X_1	X_2	X_3	X_4
Y	1				
X_1	0,99494397	1			
X_2	0,99929467	0,72354892	1		
X_3	0,99835408	0,65307762	0,697119377	1	
X_4	0,79873849	0,74832965	0,70653321	0,799122211	1

6-жадвал маълумотларидан кўринадики, Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ялпи маҳсулот ҳажми ўзгаришига таъсир этувчи омиллар жуда кучли боғланган ва таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғланишларда $r_{x_i, x_j} \leq 0,8$ шартга кўра, мультиколлениарлик мавжуд эмас. Бу эса омиллар тўғри танланганлигидан далолат бериб, кейинги ушбу омиллар ўртасидаги регрессия тенгламасини ва уни ишончилигини текшириш учун Eviews дастуридан фойдаланамиз.

6-жадвалда келтирилган қийматлардан кўринадики, t-Statistic қиймати $df=18$ ва $\alpha=0,05$ бўлганда $t_{\text{жад}} = 2,1$ бўлганлигидан $t_{\text{жад}} < t_{\text{хис}}$ шартга биноан

X_1 ва X_4 кўрсаткич параметрлари аҳамиятсиз. Аммо, бу текширишни $MAPE \leq 10$ ва $TIC \leq 1$ мезонлари билан давом эттирамиз.

Мазкур прогноз мезонига кўра, $10\% < MAPE < 20\%$ – прогноз аниқлиги яхши яъни, $10\% < 12.9 < 20\%$, Тейл коэффициентини $0 \leq TIC \leq 1$ оралиқда ўзгариб туради. Прогноз аниқлиги қанчалик юқори бўлса, $U \rightarrow 0$ коэффициент шунчалик нолга интилади. Аниқланган натижага кўра, $0 \leq 0.009 \leq 1$ демак, хулоса қилиб айтганда ҳар икки X_1 ва X_4 параметрлар аҳамиятли ва $k=5$, $k=12$ ва $\alpha = 0,05$ бўлганда $F_{\text{хис}} > F_{\text{жад}}$ шартга кўра, $F_{\text{жад}} = 0.214$ бўлганидан қуйида келтирилган (1)-регрессия тенгламаси аҳамиятли ва адекват.

6-жадвал

Кичик бизнес ялпи маҳсулот ҳажми ўзгаришини омиллар билан боғлиқ тенгламаси параметрлари ва ишончлилиги

Dependent Variable: Y				
Method: Least Squares				
Date: 12/19/19 Time: 08:48				
Sample: 2000 2018				
Included observations: 19				
Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
X1	0.317823	0.291823	1.089094	0.0452
X2	1.260656	0.257076	4.903830	0.0002
X3	0.369467	0.117406	3.146925	0.0071
X4	0.006019	0.658140	0.009145	0.0928
C	-1015.368	3712.623	-0.273491	0.0885
R-squared	0.999383	Mean dependent var	60285.36	
Adjusted R-squared	0.999207	S.D. dependent var	72665.54	
S.E. of regression	2046.635	Akaike info criterion	18.30672	
Sum squared resid	58641984	Schwarz criterion	18.55525	
Log likelihood	-168.9138	Hannan-Quinn criter.	18.34878	
F-statistic	5669.188	Durbin-Watson stat	2.067041	
Prob(F-statistic)	0.000000			

Натижани яхлитлаш орқали қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$Y = 0.32 * X_1 + 1.3 * X_2 + 0.36 * X_3 + 0.01 * X_4 - 2827.9 \quad (1)$$

(1)-регрессия тенгламасига иқтисодий изоҳ бериладиган бўлса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажмининг кўшимча ўсишига савдо-сотик фаолияти энг юқори самарадорликка эгаллигини кўриш мумкин. Агар савдо фаолиятини 1 %га оширилса, ялпи маҳсулот ҳажми кўшимча 1,3 фоизга ўсиши аниқланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда саноат ва қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини 1 %га ошириш билан ялпи маҳсулот ҳажмининг мос равишда 0,32 ва 0,36 %га кўшимча ошириш мумкин.

Ушбу танланган омиллардан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик томонидан ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажмини энг кичик миқдорда ўзгартириши мумкин бўлган кўрсаткич соҳада бандлар сони бўлиб 1 % ошириш билан кўшимча 0,01 % ошириши мумкинлиги аниқланди. Бу эса ўз навбатида ҳозирги кунда мавжуд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида

ишлар сони етарлилиги ва қўшимча корхоналар сонини ошириш орқали таъсир доирасини кенгайтириш тасия этилади.

Юқорида аниқланган (1)-регрессия тенгламаси ва таъсир этувчи омилларнинг ҳар бирини вақтга боғлиқ тренд тенгламалари тизимларидан фойдаланган ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти томонидан ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ҳажмининг кўп омилли прогнозини амалга оширамиз. Бунинг учун ҳар бир омилни вақтга боғлиқ регрессия тенгламасини аниқлаб олиш лозим. Бунда:

$$\text{Саноат} - X_1 = -3559,1 + 4816,9 * t ;$$

$$\text{Савдо} - X_2 = -325,3 + 6064,3 * t ;$$

$$\text{Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги} - X_3 = -4675,4 + 10339,1 * t ;$$

$$\text{Кичик бизнесда бандлар сони} - X_4 = -3311,6 + 358,8 * t .$$

Аниқланган ҳар бир тренд тенгламаларни (1)-регрессия тенгламасидаги омилларнинг (t=20) ўрнига қўйиш билан 2019 йилдан 2025 йилгача бўлган ялпи маҳсулот ҳажмининг кўп омилли прогнозини амалга ошириш мумкин (7-жадвал).

7-жадвал

Кичик бизнес ялпи маҳсулот ҳажми ўзгаришини кўп омилли прогнози

Йиллар	Ялпи маҳсулот ҳажми, (млрд. сўм)	Саноат (млрд. сўм)	Савдо (млрд. сўм)	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (млрд. сўм)	Кичик бизнесда бандлик (минг киши)
2019	255117,9	92778,9	120960,7	202106,6	10487,6
2020	268172,3	97595,8	127025	212445,7	10846,4
2021	281226,6	102412,7	133089,3	222784,8	11205,2
2022	294280,9	107229,6	139153,6	233123,9	11564
2023	307335,2	112046,5	145217,9	243463	11922,8
2024	320389,6	116863,4	151282,2	253802,1	12281,6
2025	333443,9	121680,3	157346,5	264141,2	12640,4

7-жадвал натижаларига кўра, кичик бизнесда аҳоли бандлиги 2025 йилда 2019 йилга нисбатан 20,5 % ошиб 12640,4 минг кишига етиши кутилмоқда. Бу давр мобайнида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг маҳсулот етиштириш ҳажми (30,6 %), савдо соҳаси (30,0 %) ва саноат ишлаб чиқариш ҳажми (31,1 %) ошиб мос равишда 264141,2 млрд. сўм, 157346,5 млрд. сўм ва 121680,3 млрд. сўмга етиши аниқланди. Бундай ижобий натижа орқали кичик бизнес ялпи маҳсулот ҳажми ўзгариши 2025 йилда 2019 йилга нисбатан 30,7 фоизга ошиб 333443,9 млрд. сўмга етиши кутилмоқда.

Ишбилармонлик муҳитининг ишлаши учун унинг сифати бир мамлакатнинг ўзигагина тааллуқли бўлиб қолмаслиги давр талабидир. Айни пайтда ишбилармонлик муҳити глобаллашув жараёнларининг бир қисми сифатида шаклланиб, халқаро муносабатларда кичик бизнес субъектларининг эркин иштирокини таъминлашда бир неча мамлакатлараро иқтисодий муносабатлар, уларни ташкил этишдаги чора-тадбирлар ва қонунлар ўзаро мувофиқлашадиган тенденцияларга эга бўлишлиги шу куннинг устувор

масалаларидан ҳисобланади. Мамлакатдаги ишбилармонлик муҳитининг сифати хавфсизлик ва ҳамкорлик, иқтисодий барқарорлик, ишончли иқтисодий сиёсат, бошқарув сифати, қонун устуворлиги, институционал ва инсон салоҳияти, бозор инфратузилма каби омиллар билан белгиланади.

Муайян мамлакат миқёсида ишбилармонлик муҳитининг ривожланиши мазкур мамлакатнинг олиб бораётган сиёсатидан тортиб, ундаги макроиқтисодий барқарорлик ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган шарт-шароитларгача боғлиқ бўлади. Мамлакатда ишбилармонлик муҳити муайян давр мобайнида ривожланиб, ундаги кичик бизнес субъектларига турлича таъсир кўрсатади. Ўз навбатида ишбилармонлик муҳитининг тобора яхшиланиб бориши турли фирмалар ёки умуман, кичик бизнес субъектларининг фаолиятига ўзининг таъсирини кўрсатиб боради. Бу ўзаро таъсир даражалари мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга олиб келади. Бошқача айтганда, ишбилармонлик муҳити қулайлашиб борган сари, кичик бизнес субъектларининг фаолиятларида имкониятлар доираси кенгайиб бориши кузатилади.

Ишбилармонлик муҳитининг яхшиланишида инфратузилма фаолиятини кенгайтириш ва сифатини ошириш зарур:

маҳаллий шароитда ички капиталдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва хорижий инвесторларни жалб этишни кучайтириш;

МДХ мамлакатларида фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар филиалларини очиш;

кўп тармоқли кичик бизнес субъектлари фаолияти таркибида инфратузилмалар шохобчалари ёки уларнинг шўъбаларини ташкил этиш;

худудларда (айниқса қишлоқ жойларида) инновацияли институтлар ташкил этиш ва улар фаолиятини кучайтириш: бизнес инкубаторлар, технопарклар, лизинг корхоналари, технологик ишлаб чиқариш марказлари сонини ошириш ва уларнинг рақобатини ташкил этиш;

бозор инфратузилмаси фаолиятини рағбатлантирувчи воситаларни ишга солиш ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиб, маҳаллий бошқарув идоралари ваколатларини фаоллаштириш;

тадбиркорларга таълим бериш марказини ташкил этиш ва ОТМ ҳамкорлигида ўқув курсларини жорий этиш;

бозор инфратузилма объектлари фаолиятини оммалаштириш мақсадида бозор инфратузилмаси фаолияти бўйича махсуслаштирилган адабиётларни тайёрлаш ва нашр қилиш.

ХУЛОСА

Мазкур тадқиқот иши доирасида куйидаги хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлинди:

1. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиниши ўз ичига ҳуқуқий воситалар орқали институционал шарт-шароитлар яратилишини, давлат томонидан тадбиркорлик фаолияти қафолатланиши ва ҳимояланишини, тадбиркорликни ижтимоий йўналтирилганлигини тинимсиз рағбатлантириб боришни, шунингдек, тадбиркорликни солиқ механизми ва молия тизими ҳамда молия бозори орқали бозор эквивалентлиги тамойилларига таяниб, қувватлаб боришни ўз ичига олади.

2. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш орқали муайян муҳит шаклланиши асосида кичик бизнес субъектлари фаоллашади. Бундай муҳитни ишбилармонлик муҳити деб юритилиб, муайян иқтисодий эркинликни, тадбиркорликка хос жамоанинг мавжудлигини (ёки юзага келишини), иқтисодий муносабатларда бозорга хос устуворликнинг борлиги, тадбиркорлик капитали шаклланиши ва зарур ресурслардан фойдаланиш имконияти бўлган ижтимоий-иқтисодий вазият ёки шароитни тушунамиз.

3. Олиб борилган тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш ва ишбилармонлик муҳитини ривожлантиришдаги асосий муаммолар солиқ ва банк тизими, маҳаллий бошқарув органларидаги айрим ходимларнинг бюрократизм, коррупцияга берилиши туфайли келиб чиқмоқда. Тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш механизми тўла куч билан ишламаяпти. Бунинг учун Илмий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази (ЦЭИиР) томонидан мамлакатда коррупция даражасини белгилаш услубиётини ишлаб чиқиш зарур. Бунинг учун индикатор сифатида қуйидаги кўрсаткичларни белгилаш мақсадга мувофиқдир:

коррупцияга лоқайдлик индекси;

раҳбарнинг назорат органларига ва давлат хизматчиларининг ўз вазифаларини бажариши учун жавобгарлиги;

фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сиёсий масалаларга оид ахборотлардан фойдаланиш имконияти;

тор доирадаги моддий фойда олувчи ва манфаатдор шахслар ҳуқуқини қонунга хилоф равишда поймол қилиниши.

Агар коррупцияга лоқайдлик индексини вилоятлар кесимида йиллик даврда баҳолаш жорий этилса ва бу баҳолашлар акс эттирилган йиллик бюллетенлар нашр этилса, мамлакатда ишбилармонлик муҳитининг ривожига катта ҳисса қўшилади.

4. Маҳаллий шароитларда кичик бизнес субъектларининг умумий фаолияти учун ишбилармонлик муҳитининг самарали бўлишини таъминлайдиган инфратузилмалар сони ва рақобати етарли даражада шаклланмаган. Айти пайтда кичик бизнес корхоналари тор ишбилармонлик муҳитида ҳаракат қилишга мажбур бўлмоқдалар: даромадларга қараганда солиқ юқининг оғирлиги, кредит манбаларининг етишмаслиги, маъмурий тазйик, коррупция ва бошқа шу каби муаммоларга кўпроқ дуч келмоқда. Ушбу тўсиқлар натижасида хуфиёна тадбиркорлик шакллари ривожланишига ҳам мойиллик келиб чиқмоқда. Бу эса бизнесдаги жиний тенденцияларнинг кучайишига олиб келишига омил бўлиши мумкин.

5. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси ва маҳаллий статистика амалиётига мувофиқ, иқтисодий трендларни янада аниқроқ таҳлил қилиш мақсадида, бозор инфратузилмасидаги иқтисодий фаолият турларининг улуш кўрсаткичлари ҳисобини юритишни йўлга қўйиш зарур. Инфратузилмалар сонини ҳисобга олиш ва уларни статистик бюллетенларда акс эттирувчи классификаторлар тизимини яратиш лозим. Шу асосда Республика статистика қўмитаси томонидан йиллик статистик тўпламлар чоп этиш, пресс-релизлар яратишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бу билан бозор инфратузилмаларининг худудлар бўйича фаолиятига, сонига, иқтисодиётдаги улушига аниқлик киритилади. Инфратузилмалар сонининг

кўпайиши янги иш ўринларини яратишга олиб келади. Натижада ишбилармонлик муҳитини таҳлил этиш имкониятлари кенгайди.

6. Банк тизимидаги ислохотларни давом эттирган ҳолда, банк кредитларини ажратишни номарказлаштириш керак. Кредит ресурсларидан фойдаланишни ва кредитлар бериш ваколатларини «юқорини кутиб туриш» таомилига чек қўйиб, ҳудудий банклар зиммасига юклаш ва марказий идоралар томонидан фақатгина мониторинг назоратини юритишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бунда марказий идоралар томонидан мониторинг назорати турли текширишларни келтириб чиқармасдан балки, маҳаллий кўламда фаолият юритаётган тадбиркорларга кредитлар ажратишни қулайлаштириш мақсадидаги шарт-шароитларни яратишга йўналтирилиши зарур.

7. Савдо-саноат палатасининг функционал ваколатларини кучайтиришга йўналтирилган чора-тадбирларни жорий этиш, маркетинг соҳасида изланишлар олиб бориш орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини доимий таҳлилни йўлга қўйиш, шунингдек, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишини барча босқичларида (лойиҳавий ғоядан бошлаб, унинг ишлаб чиқилиши, банкларда экспертизадан ўтказилиши, олинган кредитларнинг сарфланиши ва уларнинг қайтарилиши) ёрдам бериши, кузатиб бориши ва ҳимоя қилиши ҳамда ҳудудлар даражасида инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида уларга амалий ёрдам кўрсатиши мақсадида ҳудудларда ахборот-таҳлилий базани ишлаб чиқиши лозим.

8. Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадидаги барча (табiiй ресурслардан тортиб ишлаб чиқаришгача бўлган) ресурслар таъминотида маҳаллий бошқарув органлари кўмаги остида фаоллаштирувчи, рағбатлантирувчи, ва мувофиқлаштирувчи чораларни кўриш зарур. Тадбиркорликни ва умуман ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш бўйича давлат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим.

9. Ишбилармонлик муҳитини яхшилаш мақсадида бозор инфратузилма объектлари ўзаро боғлиқликда фаолиятини таъминлаш ва уларнинг фаолиятларида сифат кўрсаткичларини оширишга эришадиган чора-тадбирларни кўрилмоғи мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун вилоят туманларида инновацияни молиялаштириш, пул-кредит, ахборот, консалтинг, франчайзинг, инжиниринг ва лизинг хизматларини кенгроқ жорий этиш ва рақобатни кучайтириш зарур.

10. Бизнес юритишда рақамли технологияларни муваффақиятли тадбиқ этиш учун нафақат рақамли технологияларни жорий қилиш, балки бундай технологиялар билан ишлайдиган мутахассисларни етиштириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу билан бирга, жойларда (давлат бошқарув идораларидан тортиб, оддий кичик корхоналаргача) бизнес жараёнларини яратиш ва маълумотларни ҳимоя қилиш учун энг янги воситалардан фойдаланиш, янги технологияларни ўзлаштиришга қаратилган махсус корпоратив маданиятни яратиш керак. Бунинг учун раҳбар ўзи бу соҳани ўзлаштириш учун ва ўз ходимларини мазкур соҳада янги билим ва амалиётга эга бўлишлари учун тренинглар ва қўшимча курсларни ташкил қилиш шароитларини яратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/10.12.2019.I.16.01 ПО ПРИСВОЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ЭКОНОМИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АРИПОВ ОЙБЕК АБДУЛЛАЕВИЧ

**ГОСУДАРСТВЕННОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ МАЛОГО БИЗНЕСА И
РАЗВИТИЕ ДЕЛОВОЙ СРЕДЫ**

08.00.15 - Предпринимательство и экономика малого бизнеса

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора экономических наук (DSc)**

Ташкент – 2020

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрировано Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.1.DSc/Iqt118.

Диссертация выполнена в Наманганском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) на веб-сайте Научного совета (www.tsue.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант: **Абдувахидов Абдумалик Махкамович**
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Ахмеджанов Каримжон Бакиджанович**
доктор экономических наук, профессор

Абдуллаев Ёркин Абдуллаевич
доктор экономических наук, профессор

Умаров Илхомжон Юлдашевич
доктор экономических наук

Ведущая организация: **Самаркандский институт экономики и сервиса**

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2020 года в _____ часов на заседании научного совета DSc.03/10.12.2019.I.16.01 по присуждению ученых степеней при Ташкентском государственном экономическом университете. (Адрес: 100000, г. Ташкент, улица Ислама Каримова, 49, Тел.: +99871-239-28-71, факс: +99871-239-43-51, e-mail: tsue@tsue.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного экономического университета (зарегистрировано за № _____). Адрес: 100000 г. Ташкент, улица Ислама Каримова, 49, Тел.: +99871-239-28-71, факс: +99871-239-43-51, e-mail: tsue@tsue.uz

Автореферат диссертации разослан «_____» _____ 2020 года.

(протокол реестра № _____ от «_____» _____ 2020 года)

Н.Х.Жумаев
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

У.В.Гафуров
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

Ш.Ж.Эргашходжаева
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и необходимость темы диссертации. Отрицательное воздействие экономической и социальной неустойчивости, возникшей в результате процессов глобализации в мировой экономике, относительно слабо проявилось в странах с эффективным развитием малого бизнеса и деловой среды. Положительные результаты достигнуты в таких странах как США, Германия, Япония, Великобритания, Швейцария, Канада, Норвегия, Нидерландия, Гонконг, Объединенные Арабские Эмираты и ряд других, в которых применялись самые передовые методы регулирования государством малого бизнеса¹. А также «всем известно по мировому опыту, что без поддержки государства малый бизнес развивается очень медленно»². Раз так, почти во всех странах мира регулирование государством малого бизнеса и улучшение благоприятной деловой среды, создание условий для предпринимателей приобретает важное значение.

Особую актуальность приобретает исследование внедрения современных методов и средств государственного регулирования малого бизнеса, эффективного использования возможностей цифровой экономики для повышения эффективности этих процессов, внедрения в практику малого бизнеса инновационных идей и технологий, более полного использования возможностей создания новых рабочих мест и повышения доходов населения, организационно-экономических вопросов расширения услуг инфраструктуры для улучшения деловой среды.

В результате усиления внимания к государственному регулированию малого бизнеса и коренного улучшения условий ведения бизнеса улучшается место Узбекистана в международных рейтингах по ведению бизнеса и деловой среде. Утверждена «Дорожная карта» по улучшению рейтинга страны годовом отчете «Ведения бизнеса», в соответствии с ней разработаны целевые показатели «Улучшение ведения бизнеса – 2022», предусматривающие достижение 20-места в данном рейтинге. В последние годы в числе программных и целевых задач в сфере экономике «...одной из важнейших задач остается дальнейшее улучшение бизнес среды»³. Соответствующее развитие деловой среды в Узбекистане требует проведения гибкой и эффективной политики для ее стимулирования. Приобретают актуальность социально-экономические интересы субъектов бизнеса, возникающие в их экономической деятельности, вопросы

¹ https://openknowledge.worldbank.org/bitstream/handle/10986/32436/9781464814402_Ch06.pdf; Калинин А.В. Анализ развития и состояние малого и среднего бизнеса в мире // Экономика, предпринимательство и право. – 2011. – № 4. – С. 3-12. – <http://epp.enjournal.net/article/313/>; Арипов О.А. Хорижий мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланиши. –Т.: «Наманган» нашриёти, 2018. – 213 б.; <https://cyberleninka.ru/article/n/> Роль субъектов малого и среднего бизнеса предпринимательства в экономиках развитых стран.

² Ильин И.Е. Малый бизнес в России: проблемы и перспективы // Банковское кредитование. – 2008. – № 2. С. 153–156.

³ Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису // Народное слово. 25 январь, 2020 год.

взаимообусловленности функционирования деловой среды с обновлением и безграничностью потребления населения.

Исследование в рамках данной диссертационной работы в определенной степени служат для выполнения задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан от 2 июня 2020 года за № УП-6003 «Об улучшении позиций Республики Узбекистан в международных рейтингах и индексах, а также внедрении нового механизма системной работы с ними в государственных органах и организациях», от 7 марта 2019 года за № УП-5687 «О систематизации мер по улучшению позиций Республики Узбекистан в международных рейтингах и индексах», от 5 октября 2016 года за № УП-4848 «О дополнительных мерах по обеспечению ускоренного развития предпринимательской деятельности, всемерной защите частной собственности и качественному улучшению делового климата», в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 5 февраля 2019 года ПП-4160 «О дополнительных мерах по улучшению рейтинга Республики Узбекистан в ежегодном отчете Всемирного банка и международной финансовой корпорации «Ведение бизнеса» и в других нормативно-правовых актах.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии приоритетного направления развития науки технологий в республике I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации. Исследования по вопросам государственного регулирования малого бизнеса и развития деловой среды ведутся ведущими научными учреждениями и университетами мира. В их ряду находятся Heritage Foundation, Business Environment Risk Intelligence (BERI), Regional Economic Development Institute (REDI), World Economic Forum, The University of Oxford, Harvard University, Montpellier Business School (Франция) United Nations Conference on Trade and Development (UNCTAD) (Швейцария), Transparency International (Германия), Control Risks Group (Сингапур), University of Cape Town (ЮАР)⁴, НАФИ – многоотраслевой аналитический центр (Россия), исследовательская группа «Doing Business» в составе Всемирного банка, Лондонская школа Бизнеса (Великобритания)⁵, Институт прогнозирования и макроэкономических исследований, Ташкентский государственный экономический университет, Ташкентский финансовый институт.

В мире в проведенных исследованиях по государственному регулированию малого бизнеса и развитию деловой среды получены ряд результатов, в том числе: обоснованы производственные и управленческие

⁴ Южноафриканский и глобальный исследовательский центр предпринимательства в Университете Кейптауна.

⁵ Global Entrepreneurship Research Association (GERA) – Ассоциация глобальных исследований предпринимательства.

